



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2019 йил "16" апрель

№ 349

Тошкент ш.

Гулистон давлат университетининг
янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш
хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди саккизинчи хатбошисига мувофиқ

БУЙУРАМАН:

1. Гулистон давлат университетининг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Гулистон давлат университети ректори М.Ходжиевга:
Гулистон давлат университети Уставини ўрнатилган тартибда Гулистон шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказиш;
Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
Гулистон давлат университети фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ юритилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 февралдаги "Гулистон давлат университети Уставини тасдиқлаш хақида" 150-сон буйруғи бекор қилинсин.
4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



NUSXA
ASLIGA TO'G'RI



Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik haqida ma'lumotnoma

22.04.2019 yil

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi 200322757, GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi Без изменений
2	THSh Muassasa	THSh Без изменений
3	Faoliyat yuritish manzili Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze hududi,	Faoliyat yuritish manzili Без изменений
4	IFUT 85420 - Oliy ta'lim	IFUT Без изменений

O'zgarishdan oldingi tasischilar

	STIR	Nomi / F.I.Sh.	Miqdori	Ulushi
1		OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI	1.00 UZS	100.000 %
		JAMI	1.00 UZS	100.000 %

O'zgarishdan keyingi tasischilar

	STIR	Nomi / F.I.Sh.	Miqdori	Ulushi
1		OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI	1.00 UZS	100.000 %
		JAMI	1.00 UZS	100.000 %

Guliston shahri, Guliston shahri, YAGONA DARCHA MARKAZI
Imzo: 54260.ELYORBEB BAYMURADOV NEMATULLA O'G'LI



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI"

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI"

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

14.04.1992

75

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200322757

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Muassasa

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze hududi,

Guvohnoma:

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

**GULISTON DAVLAT
UNIVERSITETI**

120100, Guliston shahri 4-mavze
Tel. (67) 225-40-42
Faks (67) 225-42-75



www.guldu.uz.
E-mail: glsu_info@edu.uz

Ministry of higher and secondary special education of the Republic of Uzbekistan

**GULISTAN STATE
UNIVERSITY**

120100, Gulistan c. 4 th microregion
Tel. (67) 225-40-42
Faks (67) 225-42-75

Гулистон шаҳри.

№ 01-01-13/360

« 4 » март 2019 йил

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири И.У.Маджидовга**

Хурматли Иномжон Уришевич!

Сиздан 2018-2019 ўқув йили учун тасдиқланган университетнинг таркибий тузилмаси асосида ишлаб чиқилган университет Уставини тасдиқлаб беришингизни сўрайман.



РЕКТОР

М.Т.ХОДЖИЕВ

Ижр. М.Абдуалиева

Тел. 25-49-12

1
Гулистон шаҳар Давлат хизматлари
марказининг "22.04" 2019 йил 162224
сонли қарори билан Давлат рўйхатига
олинган



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2019 йил
"16" апрель 349 -сонли
буйруғи билан тасдиқланган



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСТАВИ

Гулистон 2019 йил

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Гулистон давлат университети (Guliston davlat universiteti) 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-356 фармонида биноан Гофур Фулом номидаги Сирдарё Давлат педагогика институти негизида ташкил этилган бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Гулистон давлат университети давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва кўшимча (ёки фақат асосий) таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Гулистон давлат университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. Гулистон давлат университети юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр, штамплар ва тегишли реквизитга эга.

Гулистон давлат университети жойлашган манзили ва реквизитлари:

700100, Гулистон ш., 4-мавзе.

Молия Вазирлиги ғазначилиги

х/р 23402000 300100001010

ҲККМ МБ Тошкент ш.

ББ МФО 00014, ИНН 201122919

ш/р- 400910860262807950100079002

Университетнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлик (қисқа) номи:

Guliston davlat universiteti (GulDU), Гулистанский государственный университет (ГулГУ),
Gulistan State University (GulSU).

II. Гулистон давлат университетининг асосий вазифалари

5. Гулистон давлат университетининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларида маълумот олиши орқали эришишни қондириш;
- иқтисодийнинг тегишли соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- олий таълимдан кейинги таълим бўйича фаннинг фалсафа доктори, фан доктори ва мустақил изланувчи сифатида олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;
- жамиятнинг ахлоқий, маънавий-маърифий, маданий ва илмий кадриятларини сақлаш ва бойитиш;
- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий, ҳуқуқий даражасини кўтариш;
- илмий-педагог ҳодимлар ва таълим олувчиларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;
- тегишли таълим йўналишлари бўйича ўқув мажмуаларини, қўлланмаларини, дарсликларни яратиш ва уларни ўқув жараёнларига тадбиқ этиш;
- миллий иқтисодийнинг тегишли тармоқлари бўйича устуворликка эга бўлган ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ва бу ишларга талабаларни жалб этиш;
- Университет бинолари ва унга тегишли объектларда умумий овқатланиш, ошхона, буфетларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талабалар:

6. Университетга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (грант, тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

Амалдаги қонунчиликка асосан хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилади.

Шунингдек университетга олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Университет ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс университетнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

7. Гулистон давлат университетининг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;
- университет ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;
- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;
- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларни қўриб чиқилишини талаб қилиш;
- университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақида ахборотлар бериш;
- университет қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;
- ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштирок этиш;
- ўқишдан бўш вақтларида олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлаш;

- сифатли ва юкори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юкори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари ва университет ички номдор стипендияларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Университетнинг Талабалар турар жойи сифидан келиб чиққан ҳолда муҳтож талабалар, университет талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойи учун тўлов талабалар турар жойларида коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, университет Кенгаши томонидан белгиланади.

Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га руҳсат этилмайди.

12. Университетдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Университетнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни университетга ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) тақиқланади.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. Университет талабалари олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари ва режаларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда

бажаришлари зарур ҳамда университетнинг уставига, ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Талабага нисбатан ректорнинг буйруғи асосида қуйидаги ҳолларда талабалар сафидан четлатиш интизомий жазо чораси кўрилади.

15. Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);

г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича тахсил олаётган талабалар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) вафот этганлиги сабабли.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба университет ректорининг буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Университет маъмурияти ташаббуси билан (“е”) кичик бандларига кўра талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар қасаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (қасаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “г” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти билан келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилаётган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Талаба университетдан четлаштирилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдда сақланади.

Интизомий жазо чоралар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти-ҳаракати аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-ҳаракати содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабаларни касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларида талабаларга интизомий жазо чораларини кўриш ман этилади.

Талаба касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан маълум қилинади ва тиббий маълумотнома аслини тақдим этади.

б) Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар:

16. Университетнинг таянч докторантлари, докторантлари ва мустақил изланувчилари бўлиб, муайян йўналиш бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш бўйича таянч докторантура фалсафа доктори (PhD), докторантура фан доктори (Doctor of Science) ва мустақил изланувчи сифатида давом эттириш амалдаги қонунчиликдаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

в) Университетнинг профессор - ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонали)

17. Гулистон давлат университетига профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандис - техник, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎЗР ВМнинг 2008 йил 1 август "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

18. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тайинланади.

19. Гулистон давлат университетининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
- олий таълим муассасасининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамoa шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг

- юкори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- олий таълим муассасаси маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;
- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
- назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари, хорижий илмий лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларини амалга ошириш;
- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-тадқиқот ишларининг муҳокамасида иштирок этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашр этишга тавсия бериш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- хорижий етакчи олимлар, илмий марказлар ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиришда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

20. Университетининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, университет Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;
- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфёъл муносабатда бўлиш;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:
 - а) ўқув юктамалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;
 - б) илмий-тадқиқот натижалари бўйича дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув

адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олиш;

в) таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

г) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

д) университет Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедрада бажариладиган илмий мавзуларда иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

- университетнинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

- университет жамоатчилиги ишларида қатнашиш;

- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

- замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юқоқ касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш асосида камида бир ёки иккита хорижий тилни билиши;

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

- «Устоз-шогирд» тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

- қийиниш маданиятига риоя этиш;

- тасдиқланган Гулистон давлат уневерситети ички тартиб қоидаларига сўзсиз риоя қилиш;

- республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

- университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

- дарсларни юқори савияда ўтиш;

- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

- хар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлатиш;

- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

- талабалар билимини холисона баҳолаш;

- янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

- талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- ўзининг мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш корхонаси ва муассасаларда мавжуд муаммолар ҳақида маълумот ва тасаввурларга эга бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд муаммоларнинг ечимига оид тадқиқот мавзусига эга бўлиши;
- олиб бораётган тадқиқот мавзуси асосида ўз ёки ҳаммуаллифликдаги ишланма ва технологияларга эга бўлиши;
- мутахассислиги бўйича таянч олий таълим муассасалри ва ишлаб чиқариш корхоналарида тегишли муддатларда малака ошириб бориши ёки стажировкадан ўтиши;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш.

21. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 13.04.05й. 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

22. Гулистон давлат университетининг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

23. Гулистон давлат университетининг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олий таълим муассасасининг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

24. Гулистон давлат университети қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалавриат) ўқув шакли:

- 5110500 - география ўқитиш методикаси;
- 5110700 - информатика ўқитиш методикаси;
- 5110800 - тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси;
- 5111020 - касб таълими: қишлоқ хўжалигини механизациялаш;
- 5111005 - касб таълими: агрономия;
- 5111017 - касб таълими: иқтисодиёт;
- 5111100 - мусиқа таълими;
- 5111306 - она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда);
- 5111400 - хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили);
- 5111600 - миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими;
- 5111700 - бошланғич таълим ва спорт тарбиявий-иши;
- 5111800 - мактабгача таълим;
- 5110900 - педагогика ва психология;
- 5630100 - экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича);
- 5112000 - жисмоний маданият;

- 5112000 - хотин-кизлар спорти;
 - 5112100 - меҳнат таълими;
 - 5120100 - филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили;
 - 5120100 - филология ва тилларни ўқитиш: қozoқ тили;
 - 5120300 - тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);
 - 5130100 - математика;
 - 5140100 - биология (турлар бўйича);
 - 5140200 - физика;
 - 5140500 - кимё;
 - 5230100 - иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
 - 5410500 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси;
 - 5411100 - доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси;
 - 5320900 - енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш технологияси;
 - 5141000 - тупроқшунослик;
 - 5321000 - озиқ-овқат технологияси;
 - 5410200 - Агрономия: анорчилик;
 - 5130200 - амалий математика ва информатика;
- б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртки, маҳсус сиртки-бакалаврият) ўқув шакли:
- 5110700 - информатика ўқитиш методикаси;
 - 5110800 - тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси;
 - 5111017 - касб таълими: иқтисодиёт;
 - 5111100 - мусика таълими;
 - 5111306 - она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда);
 - 5111400 - хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили);
 - 5111700 - бошланғич таълим ва спорт тарбиявий-иши;
 - 5111800 - мактабгача таълим;
 - 5110900 - педагогика ва психология;
 - 5112000 - жисмоний маданият;
 - 5112100 - меҳнат таълими;
 - 5120100 - филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили;
 - 5120300 - тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);
 - 5140100 - биология (турлар бўйича);
 - 5230100 - иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- в) магистратура:
- 5A110701 - таълимда ахборот технологиялари;
 - 5A140101 - биология (фан йўналиши бўйича);
 - 5A140202 - физика (йўналишлари бўйича);
 - 5A130101 - математика (йўналишлар бўйича);
 - 5A140501 - кимё (фан йўналиши бўйича);
 - 5A111701 - таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим);
 - 5A111701 - таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим);
25. Гулистон давлат университетида таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналиши ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

26. Гулистон давлат университетида таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори ёки ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган йиллик календар ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ёшлар билан ишлаш бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

27. Гулистон давлат университетида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, яқка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойихаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик (танаффуссиз кўшма маъруза) академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус, инглиз тиллари ҳисобланади.

28. Гулистон давлат университетида кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Университетнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Узстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

29. Гулистон давлат университетидида ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Университетнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

30. Гулистон давлат университетидида илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

2) Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

31. Гулистон давлат университети учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда таянч докторантлар учун тегишли ихтисосликлар бўйича квоталар белгиланади.

Гулистон давлат университетидида олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га мувофиқ илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, шунингдек фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва химоя қилиш учун олий таълим муассасасига докторант ва мустақил изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

33. Гулистон давлат университетидида Кенгаш томонидан тасдиқланган мавзулар, режалар бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлиги таъминланган ҳолда талабалар, магистрантлар, катта илмий ходим-

изланувчи ва мустақил изланувчилар кенг жалб этилиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишлар олиб борилади.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари;

- олиб борилган илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосидаги тушумлар;

- бюджетдан ташқари маблағлар;

- хомий ташкилот ва корхоналар;

- маҳаллий бюджет маблағлари.

V. Гулистон давлат университетнинг таркиби

34. Гулистон давлат университетининг таркибига қуйидагилар киради:

а) Факультетлар:

- филология;
- физика-математика;
- педагогика;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-иқтисодиёт;
- жисмоний маданият;
- ишлаб чиқариш технологиялари.

б) Кафедралар:

- факультетлараро чет тиллар;
- инглиз тили ва адабиёти;
- рус тили ва адабиёти;
- ўзбек тили ва адабиёти;
- физика;
- математика;
- ахборот технологиялари;
- бошланғич ва мактабгача таълим методикаси;
- педагогика-психология ва меҳнат таълими;
- жисмоний маданият назарияси ва методикаси;
- факультетлараро жисмоний маданият ва спорт;
- биология;
- кимё;
- мусликий таълим ва тасвирий санъат;
- экология ва география;

- тупрокшунослик;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси;
- озиқ-овқат технологиялари;
- тарих;
- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими;
- иқтисодиёт.

в) Маъмурий бошқарма, бўлим ва марказлар:

- ўқув-услугий бошқарма;
- ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;
- илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими;
- сиртки (маҳсус сиртки) бўлими;
- мониторинг ва ички назорат бўлими;
- режа-молия бўлими;
- ҳисобхона;
- буюртмалар портифелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими;
- ходимлар бўлими;
- биринчи ва иккинчи бўлим;
- девонхона ва архив бўлими;
- техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
- фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
- ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
- таълим сифатини назорат қилиш бўлими;
- халқаро ҳамкорлик бўлими;
- иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими;
- таҳририй-нашриёт бўлими;
- ахборот-ресурс маркази;
- ахборот технологиялар маркази;
- ботаника боғи;
- хўжамушкент ўқув-дала амалиётлар базаси;
- аграр саноат ишлаб чиқариш ўқув тажриба ва илмий тадқиқот комплекси;
- экспериментал биология лабораторияси;
- катагон қурбонлари хотираси музейи;
- “Сирдарё она диёрим” илмий-амалий музейи;

г) ГулДУ нинг ташкилий тузилмаси иловада берилган.

д) Университет қошида Академик лицей фаолият кўрсатади

Гулистон давлат университети академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни,

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги “Академик лицей, касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли ва 2001 йил 4 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сонли Қарорларини, 2008 йил 18 июндаги “Олий таълим муассасалари томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида”ги 185-сонли буйруқларини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 мартдаги 07/02-1-6-сонли баёнининг 15-бандида кўрсатилган вазифаларнинг ижросини амалга оширишда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини юқори сифатда ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган. Университет хузурида 1 та академик лицей мавжуд:

1) Гулистон давлат университети академик лицейи.

VI. Университетни бошқариш

35. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва университетнинг Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

36. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март 137-ф фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор университет фаолиятига, шунингдек, университетнинг Ички тартиб қоидалари, университет тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ университет номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, университетнинг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида университетнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор университетнинг ваколати доирасида:

- университетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;
- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтери ва бош бухгалтер ўринбосари-аудиторни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;
- университет проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

- университет ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

- университет таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- университет ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

- касаба уюшма кўмитаси ёки университетнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда университетнинг Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

- университетнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;

- университетда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган университет ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида университет профессор-ўқитувчилари таркиби ва университет ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

- университет Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда университет Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Университет ректорига ўзи ишлаётган университетда ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга руҳсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

37. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ Гулистон давлат университетида университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун **Кенгаш ташкил этилади.**

Кенгаш таркибига ректор, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва олий таълим муассасаси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Ректор университет кенгаши раиси ҳисобланади. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Университет Кенгаши университетнинг умумий раҳбарлигини амалга оширадиган коллегиял орган ҳисобланади. Университет Кенгаши аъзоларининг сони университет ходимлари ва талабалари сонига нисбатан белгиланади.

-университет Кенгаши университетнинг бошқарув органлари ва бўлимлари таклифларини инобатга олган ҳолда иш режасини тузади.

- университет Кенгашининг қарори, йиғилишида иштирок этадиган кўпчилик аъзолар томонидан маъқулланган бўлса, камида 50 фоизини ташкил этса,

республика қонунчилигида бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, йиғилишда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

-университет Кенгашининг котиби университет ректори буйруғи билан тайинланади.

-университетнинг Кенгаш котиби университетнинг Кенгаши йиғилишига тайёргарликни ташкил этади, унинг қарорларини бажарилишини назорат қилади ва университет Кенгаши ва университет таркибий бўлимларининг ваколатлари асосида ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради.

- университет Кенгаши йиғилишининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисида”ги Низом асосида талаблардан келиб чиққан ҳолда университет Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

38. Университет Кенгашининг ваколатлари:

-конференцияларни ташкил этиш, шунингдек унинг ўтказилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-университетни ривожлантиришни асосий истиқболли йўналишларини шу жумладан унинг таълим ва илмий фаолиятини белгилаш;

-ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий масалалари, шу жумладан талабаларни қабул қилиш қоидаларини белгилаш, ўқув режасини тузиш, талабаларни ўқитишнинг амалдаги тартибини тартибга солиш, якуний назоратлар бўйича талабаларни ўзлаштириши натижаларини кўриб чиқиш;

-молиявий-хўжалик фаолиятини режасини ва университетни ривожлантириш дастурини кўриб чиқиш;

-университет ректорининг йиллик ҳисоботларини тинглаш;

-таълим масалалари, илмий-тадқиқот масалалари бўйича ахборот таҳлилий, молиявий-иқтисодий фаолиятини ва шунингдек университетнинг халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қарорларини қабул қилиш;

-университет Кенгашининг иш режасини тасдиқлаш;

-университет педагог ходимларидан номзодларни илмий унвонлар олишга тавсия қилиш;

-университетнинг фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлимларни тузиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-техник лаборатория фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг таълим фаолиятини амалга оширувчи бўлимлар ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида);

-университетнинг факультет, кафедра ва бошқа таркибий бўлимлари тўғрисидаги Низомларни тегишли таълим дастурига мувофиқ тасдиқлаш;

-университет педагогик ходимларини Кенгашда танлов бўйича ўтказиш;

-университет ходимларини Давлат мукофотларига тавсия бериш;

-университет Кенгаши томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фахрий унвонлар бериш;

-университетда талабалар учун стипендия масалаларини тартибга солувчи қоидаларни тасдиқлаш;

-Давлат ва номдор стипендияларига талабалар номзодларини тавсия қилиш

39. Университетда Васийлар кенгаши университетни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассасалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар ҳамда бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Васийлик кенгаши университет ректори вазифасини бажарадиган муддатга тайинланади.

40. Университетда касаба уюшмаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда уларнинг университетда сайланган вакили амалдаги қонунчилик асосида ўз иш фаолиятини олиб боради.

41. Университетнинг мажбуриятлари:

-университет муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкаларини амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

-ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

-меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

-ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, университетнинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

-университетнинг ўзида, ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

-жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, бошқа қонунларида, университетнинг таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни Касаба уюшма кўмитасига тақдим этиб бориш;

-белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш.

Амалдаги низомларга мувофиқ университетда илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин. Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида университет жамоат ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва уш фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

42. Университетнинг факультет деканлари ректор тавсиясига кўра Вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани ўз фаолиятида “Факультет тўғрисида”ги Низомга амал қилади. Факультетда кенгаш ташкил этилади, Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва

фаолиятининг тартиби “Факультетнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

43. Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида университетнинг Кенгаши томонидан сайланадиган кафедра мудирининг раҳбарлик қилади. Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисида”ги низом асосида ва хизмат мажбуриятлари билан белгиланади.

VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

44. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш ва фойдаланиш мақсадида давлат томонидан бинолар, иншоотлар, мулкрий мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Университет Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

Университетга ажратилган ер участкалари университетга муддатсиз бепул фойдаланиш учун бириктирилган.

45. Университетга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкрий объектларга, университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкрий объектларга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган.

46. Университет мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ университет ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

47. Университетининг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талабаларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

48. Университетнинг асосий фаолиятдан четланмаган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Университетда шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

49. Университетда лавозим маошлари меҳнат шартномаси тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади. Университет ходимига лавозим маоши, ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама, моддий ёрдам ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, иш хақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

50. Университетда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади. Университет ҳудудида тиббиёт таянч маскани ҳамда талабалар ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона, буфетлар ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Университетнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

51. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита белгиланган тартибда алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек, университетнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

52. Университет қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

- хорижий ҳамкорлар иштирокида университетнинг таркибий бўлимлари (марказлар, лабораториялар, технопарклар ва бошқа бўлимлар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

53. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

IX. Яқуний қоидалар

54. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида университетда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёт ҳавфсизлигига;
- таълим олувчилар ва университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилганлигига;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳатти-ҳаракатларга.

55. Университет Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

56. Мазкур Устав Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва қучга киритилади.

Ушбу Уставга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.